

бўлса, қофия тоник қофиядир. Бунга тоник қофия ургусининг ўрни сўз бўғинидаги миқдорий сираада фарқланса ҳам, моҳиятан бир хилдир. У динамик қофия ургусидан фарқли равиша, констант бўғинни овознинг кучи билан ажратади ва шунинг учун ҳам тоник қофия деб юритилади.

2. Қофиядошлик системасида турувчи сўзлар - қофия компонентлар ургуси бирдан ортиқ бўлиши ҳам мумкин: уларда бош ва иккинчи даражали ургулар мавжуд бўлади.

3. Қофиядош - сўзлар - қофия компонетлар ургусида бўғинлар бўйича ҳам ўзаро тенглик, мутаносиблик мавжуд бўлади. Агар тенглик асосий ургу бўйича бузилган бўлса, иккинчи даражали ургу ёрдамида тенглашади. Ургунинг ролисиз қофия йўқ. Чунки ургусиз сўз бўлмаганидек, сўзсиз (сўзлар орасидаги оҳандошликинг ургу бўйича ҳам мутаносиблигисиз) қофия вужудга келмайди.

4. Қофиядошлик системасида турувчи сўзлар ургусининг олдинга силжиши соғ фонетик функция бажариш асосида кечади: монотон товушни политонга айлантириш билан қофияни шакллантириш учун хизмат қиласди.

Қофияни шакллантирувчи ургунинг ўрни бўйича нисбатан эркин бўлишини ургунинг ўзида мавжуд бўлган турли омиллар - функционал рангбаранглик таъмин этади. Агар ургу қофияни юзага чиқаришда фонологик функцияси билан восита бўла олмаса, стилистик ёки грамматик вазифаси билан қофия вужудга келишида қатнашади, шунингдек, фоно-поэтик функцияси билан, яъни монотон товушни политонга айлантириш билан қофия шаклланувида қатнашади. Қофиядошлик фақат бош ургу билангино боғлиқ бўлмай, иккинчи дарожали - кўмакчиси билан ҳам боғланади.

Демак, қофия ўзбек шеъриятида ургу билан зич алоқадор экан, у бутун туркий шеъриятда ҳам ургу ҳодисаси билан боғланади.

АДАБИЁТЛАР

- [1].Х а м р о е в М.К. Основы тюрского стихосложения. Алма-Ата, 1963, С.80-82 [2].Г о л о в и н Б.Н. Введение в языкознание, Москва, 1973, С.57-58 Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-қисм. Тошкент, 1980, Б.69 [3].П о л и в а н о в Е.Д. О приеме аллитерации в киргизской поэзии в связи с поэтической техникой и языковыми фактами других "алтайских" народностей. Сб. "Проблемы восточного стихосложения". М., 1973, С.101-102 [4].Т ў й ч и е в У. Ўзбек совет поэзиясида бармоқ система. Тошкент, 1966, Б.168 [5].Н а в о и й А. Муқаммал асарлар тўплами. 20 томлик, 1-том, Тошкент, 1987 [6].Б о р о в к о в А.К. Краткий очерк грамматики узбекского языка. Узбекско-русский словарь. М., 1959, С.681.

Ўзбек адабиётшуносиги кафедраси

Қабул қилинди
3.12.96.

УДК 4.414.

"ЛУГАТИ АТРОКИЙА"ДА ШАВОҲИДЛАР ВА ХАВОЛАЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ

Ш. Жонбоев

В статьи даются отношение и критические замечания к словарю произведений Алишера Навои "Лугати атрокий".

The article deals with the relation and critical remarks to the "Lughati atrokiya" - a dictionary of the works of Alisher Navoy.

Лугат дегани сўзнинг ҳар бир маъноси учун бирор мисол келтирилса, ҳақиқий лугат бўлади. Чунки сўз мисол билан бирга хотирага мустаҳкам ўрнашиб қолади. Шунинг учун сўзларнинг маъноларини қувватловчи, амалий асловчи шавоҳидларнинг аҳамияти қадим замонлардан ёзилган ва бу лексикографик йўл шарқ лугатларининг деярли ҳаммасидан кенг қўлланиб келган. Ижодкор асарлари учун ёки ёлғиз асар учун тузилган лугатларда эса ўша асарлардан шавоҳидлар келтирмаслик илмий нуқтаи назардан сира мумкин эмас.

Навоий асарлари учун тузилган луғатлар, шу жумладан, “Луғати атрокий”да ҳам шоҳидлар келтириш учун танланган Навоий ва бошқа шоирү алиб-ларнинг асарларининг бу луғатда тутган ўрни ва уларнинг функциялари ҳақида гап юритамиз.

Мисоллар назмий асарларидан олинган бўлса, икки мисра ёки бир байт бўлади:

к э с и л г а н “кесилган”:

Таъбия ҳар конгур узра ташлар,

Ишқ ти:ғидан касилаг башлар (“Шайх Санъон”дан)

Мисол рубоий бўлса, тўла ҳолда келтирилади:

т а м ф а ... “тамға, муҳр” ...Бобурнинг бир рубоийсида келади:

Изҳа:ри зара:фату лата:фат ққласиз,

Ҳар ҳарфда йуз наза:кат ққласиз,

Гар ҳинд иши қаттқ әрмас нэвчун,

Исқ ғйердин савуғ зара:фат ққласиз. (Бобур)

Изоҳланаётган сўз кўп маъноли бўлса, ҳар бир маъно учун битта, баъзан ундан ҳам кўпроқ мисол келтирилади:

к ў п - “кўп” ...

Кўп йигурди равзада ъайнан тусамма:

Тапмадқ ул чашниким шаккар табқададур (Лутфий)

куб - “хум”:

Ба:да куп-куп анда ҳа:зир ққладқлар,

Нуқд анда коп-коп за:ҳир ққлдқлар,

Савти на:қу:ру, сада:йи арганун.

Шайх ди:ни ма:тамиға тартиб ққлдқлар (“Шайх Санъон”дан).

Навоий асарларига тузилган луғатларнинг муаллифлари баъзи луғат мақолалар ичida сўзларнинг маъноларига мисол келтирганларида ушбу мисоллар олинган қўлёзмаларга танқидий нуқтаи назардан ёндошадилар. Луғатнависларнинг қўлёзмаларга танқидий қарашлари, айниқса, ўзларидан олдинги муаллифлар ёки бошқа луғатларда йўл қўйилган хатолар хусусида гап боргандага яққол кўринади. Бу ҳол кўпроқ “Санглоҳ”да дуч келади.

Масалан:

“қ а р а ф “кўз қорачиғи”. ... Румий буни “қўл” маъносида ёзади. Қароқчилар ҳақида эса “қарақч” дейилгани учун, у “толон-торож” ва яна “қора” маъноларини ҳам келтирган. Носирий ҳам унинг изидан борган. Бу маъноларнинг ҳаммаси - бемаъни, чунки уларни ақл бовар қилимайди”.

Фатҳали Қожар ҳам луғат маволалар ичida шу ўйинда гапиради:

“ч а п у н - сўзниң маъноси “хуруж”, “толон-торож” ва ч а п у н ч қ - “босқинчи”. Аммо ушбу ўринда бу маъно тўғри келмайди”.

Фатҳали Қожар луғатнинг бошқа бир ерида ҳам шу сўзга қўйидагича изоҳ беради:

“ч а п у н - сўзниң маъноси тушунилмади, хатто марҳум Мирзо Маҳдийхон ҳам бу илмда камолотга етишган бўлишига қарамай, сўзни тушунмаган ва “маъноси ечишмади” деб ёзиб қўйган.”

Қожарнинг “Санглоҳ” учун матнда хатоси кўп қўлёзма китоблар жалб қилингани ҳақидаги маълумотлари аҳамиятлидир. Жумладан, Фатҳали Қожар Навоий асарлариджаги маъноси шубҳали 12 сўз ҳақида гапиради. Бу сўзларга Мирзо Маҳдихон “маъноси ечишмаяпти” ибораси билан қайд қилиб ўтганини ёзади. У, аввало, ўша сўзларнинг ҳар бирини “Хазойин ал-маоний” ва “Хамса”да қандай келгани ҳақида гапириб, сўнг бу сўзниң маъноларини ечиб беришга характеристика қилган. Шулардан бири - “аранг” сўзи таҳлилидир:

“а р а н г сўзининг нусхани кўчирган котиб янгилиш ёзган. “Чор девон” ва бошқа асрларда бу сўз учрамайди-ю қандай қилиб ҳам шунча асарлар ичida сўз фақат шу фардда келарди. Шунинг учун (бу ерда) а р а н г эмас, балки а н и н г булиши керак, маъно ва вази жиҳатидан ҳам тўғри бўлади. ... қатъиян айтиш мумкинки, а р а н г - хато, а н и н г - бўлиши керак. Мирзо Маҳдихон “маъноси ечишмаяпти” деб ёзган фарднинг иккинчи қисмининг бу сўзга алоқаси йўқ”.

Фатҳали Қожар Навоий ёки бошқа бирор муаллифнинг муайян асаридан мисол келтиришда Толе Ҳаравий, Румий ва Маҳдихон сингари ушбу мисол асарнинг қайси еридан олинганини, бобнинг номи ва мазмунини қисқа баён бериш билан амалга оширади.

Юқоридаги каби мисолларга берилган қайдларнинг қўлёзма луғатларнинг ўзи ва, айниқса, қўлёзма асарлар учун жуда муҳим аҳамияти борлиги кўпчиликка маълум бўлмаса керак. Холбуки, бунинг каби қайдлар ўша мисолларни ҳар ким ўз қўлида бор нусхасидан қийналмай топиб олиши ва ўзи учун керакли мақсадларга йўналтириш ёки, жуда бўлмагандан мисолнинг тўғри ёки хатолигини текшириб кўриш учун асқотади. Навоий луғатларини изчил ва чуқур ўрганганд тадқиқотчи олим Б.Хасанов ўз тадқиқотларида луғатлардаги мазкур маънодаги қайдларга юқори баҳо беради.

Матншунослар учун ўтмиш ижодкорлар асарларининг илмий-танқидий матнларини юзага келтиришда қўлёзма китоблар матнининг бузилмаганилиги муҳим аҳамиятга эга. Улар ўнлаб қўлёзма матнларини сўзма-сўз текшириб, муаллиф нусхасига яқин матнни тиклашга уринадилар. Бу машақатли ишда қўлёзма луғатлар шоиру адилларнинг асарларидан иқтибос қилиб олинганд шеърий ва насрый парчаларнинг ноёб манбаси сифатида ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Эндилиқда матншунослик амалиётидаги ушбу адабий ёдгорлик хазиналаридан фойдаланмоқ даркор. Кейинчалик ишонарли матнлар юзага келгач, қўлёзма луғатларга жлб қилинган мисолларнинг ҳам тўғри-нотўғрилигини текшириб чиқиши имкони туғилади.

Хаволаларни қўллаш луғатнавислик ишининг қадимий усуулларидан биридир. Хаволалар фақат “Санглох” ва “Луғати атройика”да учрайди. Бу масалада ҳам Фатҳали Қожар “Санглох”га қарам қилиб қўйилгани учун фикримизни хаволаларнинг “Санглох”да келишига қаратамиз. Маҳдихон хаволалари “м а з к у р ҳ а: ҳ а д ш у д” (“фалон жойда... эслатилади”) ва “м а з к у р ш у д” (“фалон жойда... эслатилди”) иборалари билан амалга оширилган. Буларга мисоллар:

“Ч ә к и н ҳ а м ш у икки маънода мустаъмалдирки, бу ҳақда ч и: м бобида эсланганд эди”.

“Ч о ғ ушбу маънода ч о қ ҳ а м ишлатилади. Бу ҳақда “чи:м билан қоғ” бобида эслатилади”.

Боя тилга олинган тадқиқотчи фикрича, Фатҳали Қожар “Луғати атройика”нинг к и и ҳ и з, к и р ш а н, к ә к р у қ, с а д а қ в а қ а р п а р луғат мақолалари ҳақида гапиририлиб. Булар бироз ўзгартирилган ҳолда “Санглох”дан олинган, сўнгра у ердаги н а в и ш т а ш у д а (ёзилган эди), б а қ а л а м а: м а д а (ёзилган эди) каби хаволалар қилингану уларнинг ғалати экани ҳақида гапирилган. Ҳақиқатдан бу ўринда ҳам мазкур фикр муаллифи “Санглох”, “Бадойи ал-луғат”, “Абушқа” қатори “Луғати атройика”ни ҳам жуда синчилаб текширганини яна бир бор қайд қилганимиз ҳолда, унинг эътиrozларини рад қилишнинг йўли йўқ эканини маъкуллаш лозим бўлади. Бунга ишонч ҳосил қилмоқ учун “Луғати атройика”дан к и р ш а н луғат мақоласини келтирамиз:

“киршан “оқ юз креми”га айтишади, бошқа сўз билан ҳам дейишади ва ўз ерида келган эди”.

Албата, бундай хавола билан к и р ш а н сўзининг ўрнида ишлатиладиган сўзни “Луғати атройика”дан топиш амри маҳолдир.

к ә к р у қ луғат мақоласини ўқиб чиқсан. Бу ерда ҳам худи шу ҳолга юзланамиз: “г е г р у қ “кекирик”дир, бошқа сўз билан ҳам айтишади. У ўз ўрнида ёзиб қўйилган эди”.

Шундай қилиб “Луғати атройика”да учраб турадиган хаволаларга қараб унинг муаллифи кўзлаган мақсадга тушуниб бўлмайди. Яна ҳам аниқ айтадиган бўлсак, Фатҳали Қожар шарқ луғатларида сўзларнинг маъноларини очиб беришидаги муҳим лексикографик усууллардан бири - хаволаларнинг функцияларини тушуниб етмаган. Оқибатда уларнинг на луғат учун ва на сўз изловчи учун бирор нафи тегмайдиган бўлиб қолган.